1991 йил

Буюк Навоийнинг руҳи қўллади,
Мустақиллик ҳурлик бўлди овоза.
Бизни янги замон сари йўллади,
Жаҳон қадар очиқ энди дарвоза.

1992 йил

Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 1 (21. 120) 1992 йил 1 январь, чоршанба

Баҳоси 35 тийин.

Янги йил қувончи.

Р. Альбеков олган суратлар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг халқимизга ташаккури

Истиқлолни орзиқиб кутгандик. Келишига ишонгандик. Унга эришдик. Буюк авлодларимиз руҳи шод, замондошларимиз қадди тик, дўстлар хурсанд бу кун. Энди истиқлол истеҳкоми мустаҳкам ҳуқуқий қалъага эгадир, азизлар. Мустақиллик, Озодлик абадул-абад ҳамроҳимиз бўлсин. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Раиси И. А. Каримовни кўпчилик сайловчилар қўллаши ва сайлов натижалари партиямиз учун катта ишонч ва улкан масъулиятдир.

Ушбу муваффақиятга ҳал қилувчи улуш қўшган, азиз юртдошларимизга, ҳурматли ота-оналаримизга, муҳтарама ота-онларимизга, мард ога-иниларимизга, барча мусулмон ва дин аҳлига, бутун Ўзбекистон халқига, ватандошларимизга минг бора таъзим.

Бу сайлов бурунгиларига ўхшамас ва мақсади бўлак эди. Уни сиёсий фаоллик ва уюшқоқлик билан ўтказишга кўмаклашган сайлов ташкилотчиларига, ташаббускорларга, уни қўллаб-қувватлаганларга минг бора ташаккур.

Ўзбекистон келажаги ўз қўлимизда. Уни тотувлик ва аҳиллик ўлкасига, инсон камолоти каъбасига, ҳар томонлама тараққий этган, одил ва адолатпарварлар Ватанига айлантириш ўзимизга боғлиқ. Бу ишда чарчамайлик.

Мустақиллик йўлида қийинчиликлар бор. Синовлар етарли. Иқтисодий тазйиқлар учраб турибди. Ижтимоий-сиёсий вазият чигал. Умумжаҳон ўзгаришлар содир бўлаётир. Миллий онг, сиёсий тафаккур, маънавият гулшанини безатмоғимиз лозим. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида, башарият оламида ўз ўрнини топмоғи, истиклол байроғини янада баландроқ ва мағрур кўтармоғи керак.

Ушбу юмушларни амалга оширишда президентлик ҳокимиятининг ўрни бўлакча. Ўзбекистон Халқ демократик партияси сиёсий муҳолифликларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, барча ижтимоий-сиёсий кучлар, дин аҳиллари ва Ўзбекистон тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир ватанпарвар инсонларни биргаликда ҳаракат қилишга чақиради. Халқ Президенти атрофида бирлашайлик. Одамларнинг — одамларга, юртларнинг —юртларга, миллатларнинг — миллатларга яхшилиги сиёсатини олиб борайлик. Шунда умумхалқ иродаси орқали танлаб олинган озодлик йўлидан четга чиқиш рўй бермаяжак. Жафокаш халқимиз бошига кулфат тоши ёғилмаяжак. Доно халқимиз бундай ҳолларга йўл қўймаслигига ишонамиз. Ишонч бизни ҳеч қачон тарк этмасин. Ташриф қилган янги —1992 йил Ўзбекистонга, унинг барча фуқароларига, онлаларига қут-барака, бахт-саодат олиб келсин.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЗРАТ ОЛИЙЛАРИГА

Халқингиз сизга ишонч билдиргани, истиқлолингиз ҳамда халқингиз орзу-умидларини ушалтириш йўлидаги оқилона сиёсатингиз туфайли мумкин бўлган муваффақиятли ва мақтовга сазовор ишларингиз муносабати билан Кувайт халқи номидан ва ўз номимдан қутловлар изҳор этишдан бахтиёрман. Қувайт халқи халқларнинг кураши ва уларнинг хоҳиш-иродасини ҳурмат қилиш қоидаларига, халқаро ҳуқуқ низомлари ва меъёрлари паноҳида давлатлар ўртасида тинчлик даъватига асосланиб инсоннинг фаровонлигига хизмат қиладиган, уни хўрланишдан ҳалос этадиган ҳамма ишларни маъқуллайди ва сизга, бутун Ўзбекистон халқига ҳозир сизлар ўтаётган босқичда тараққиёт ҳамда эсон-омонлик тилайди. Иккала дўст халқимиз ўртасидаги алоқаларни яна мустаҳкамлашга муштоқмиз, бу алоқалар уларга ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга ошириш имконини беради, янги халқаро шароитда уларга эзгулик ва тинчлик бахш этади.

Астойдил муваффақият тилаб ва камоли эҳтиром билан

Қувайт амири Жобир ал Аҳмад ас-Сабоҳ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ТАН ОЛИНМОҚДА

Жазонр Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тузилганини инобатга олади ва унинг таркибидаги ҳар бир давлатни расмий равишда таниийди. Ҳамдўстликка аъзо бўлган мамлакатларнинг тенглик, ўз тақдирини ўзи белгилаш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, улар билан муносабатда куч ишлатмаслик, ҳудудий яхлитликни ва чегаралар бузилмаслигини ҳурмат қилиш қоидаларига асосланган ҳуқуқий давлатларни барпо этиш нияти хусусида қувонч ва мамнуният изҳор этилган.

* * *

Эрон Ислом Жумҳурияти ўз ташқи сиёсати қоидаларига, хусусан халқларнинг хоҳиш-иродасини ҳурмат қилишга асосланиб, собиқ СССРда рўй берган туб ўзгаришларни ҳисобга олиб ва халқнинг мустақилликка бўлган интилишини назарда тутиб, 25 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини расмий равишда тан олди. Эрон ҳукуматининг Ўзбекистон билан, шунингдек, аввалги СССР ҳудудида тенг ҳуқуқли ҳамдўстлик барпо этган бошқа мустақил давлатлар билан ҳам энг юқори даражада дипломатия муносабатлари ўрнатишга, иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрлиги изҳор этилди. Эрон Ислом Жумҳурияти халқларнинг хоҳиш-иродаси ва талаблари рўёбга чиқишини табриклаш билан бирга мазкур давлатлар жаҳон ҳамжамиятида ўз халқларининг фаровонлиги, минтақада ва умумий халқаро майдонда тинчлик ҳамда хавфсизлик манфаатлари йўлида ўз амалий вазифаларини бажара оладилар, деб умид қилади.

* * *

Корея Республикаси ташқи ишлар вазири Ли Санг-Окнинг хабар қилишича, унинг мамлакати ҳукумати Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат деб тан олди. Аввалги совет республикалари бошлиқларининг Олмаотадаги учрашуви натижаларидан мамнуният изҳор этилади, Ўзбекистон Республикасининг собиқ СССР тузган шартномалар ва битимлардан келиб чиқадиган ўз халқаро мажбуриятларини бажаришга тайёрлиги Олмаота Декларациясида изҳор этилганлиги алоҳида таъкидланган. Корея Республикасининг ҳукумати мустақил Ўзбекистон билан дўстона алоқаларни ва ҳамкорлик муносабатларини бундан бўён ҳам сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга астойдил аҳд қилганини билдирди.

* * *

Бангладеш Халқ Республикасининг элчихонаси ўз мамлакати раҳбариятининг топшириғини адо этиб, Бангладеш Республикасининг ҳукумати мустақил Ўзбекистон Республикасини тан олганини эълон қилди ва бу қарор «дарҳол кучга киргани»ни билдирди. Фаол ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш умиди изҳор этилди.

(ЎзТАГ).

МИНСК: ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИ БОШЛИҚЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

МИНСК, 30 декабрь. (ТАСС—БелТА махсус мухбирлари). Кечқурун соат саккизга яқин давлат бошлиқларининг кенгашида асосий ҳужжатларни имзолаш бошланди. Давлатларнинг бошлиқлари қуйидаги 9 та ҳужжатни имзоладилар:

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат бошлиқларининг кенгаши ва ҳукумат бошлиқларининг кенгаши тўғрисидаги муваққат битим;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида қатнашувчи давлатлар ўртасида стратегик кучлар бўйича битим;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида қатнашувчи давлатлар бошлиқлари кенгашининг Қуролли Кучлар ва чегара қўшинлари тўғрисидаги битими;

Космик фазони тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш соҳасида биргаликдаги фаолият ҳақида битим;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари бошлиқларининг собиқ ССР Иттифоқининг чет эллардаги молмулки тўғрисидаги битими;

Мустақил давлатлар бошлиқлари кенгашининг Орол муаммоларига оид, шунингдек Спитакдаги зилзила оқибатларини тугатиш муаммоларига оид махсус битим тайёрлаш хусусидаги протоколи;

Мустақил давлатлар бошлиқлари кенгашининг Каспий денгизи балиқ ресурсларини сақлаб қолишга оид махсус битим тайёрлаш тўғрисидаги протоколи;

Мустақил давлатлар бошлиқлари кенгашининг Чернобиль атом электр станциясидаги фалокат оқибатларини тугатиш юзасидан 1992 йилда бажарилиши лозим бўлган тадбирлар, бу тадбирларни пул билан таъминлаш тартиби ва ҳажми хусусидаги протоколи;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари кенгашларининг Ҳамдўстликдаги давлатлар бошлиқлари кенгашини ва ҳукуматлар бошлиқлари кенгашини ташкилий-техникавий жиҳатдан тайёрлаш ҳамда ўтказиш учун иш гуруҳининг номи, тузилиши ва пул билан таъминлаш манбалари хусусидаги протоколи.

Кенгаш ўз ишини тугатлади.



Ҳужжатларни имзолаш пайти.

Р. Жуманиёзов олган сурат (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЕСАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ КЕНГАШИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси 1992 йил 4 январда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 31 декабрь.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясида қараб чиқиш учун қуйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:

1. Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдум якунлари ҳақидаги маърузаси.

2. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битимни ҳамда протоколни ратификация қилиш ҳақида.

3. «Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасидаги алоқаларнинг асослари ва мақсадлари тўғрисида»ги шартномани ратификация қилиш ва Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикасининг иқтисодиёт ва савдо-сотиқ соҳасидаги битимини маъқуллаш ҳақида.

4. Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Грузия Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Украинанинг давлат мустақиллигини тан олиш тўғрисида.

5. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил биринчи кварталига мўлжалланган фавқулодда бюджети тўғрисида.

6. «Ўзбекистон Республикасида халқ таълими тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

7. «Ўзбекистон Республикасида алоқа тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

8. «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

9. «Ўзбекистон Республикасида халқ депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

Сессияда кўриб чиқиш учун бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

- *1991— Алишер Навоий йили*
- 1991— Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги йили
- 1991— Жаҳон дарвозаси очилган йил

- *1991—Демократик, муқобил сайловлар йили*
- 1991—Ўзбекистонни дунё давлатлари тан олган йил
- *1991—Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги йили*

ТУРКИЙЛАР ЙИЛИ

● Ҳар инсоннинг муборак исми-шарифи бўлгани каби тарихимиз санасида ҳам ўтган йилларнинг ўз номи бор. Таъбир жоиз бўлса, 1991 йил Ўзбекистон учун номларга бой, баракали, хайрли йил янглиғ тарихда мангу қолажак.

Шу йил тарифида — Ўзбекистон — Туркия йили битиги бўлишини истардим. Ёдимда, 1991 йилнинг 16-19 декабрида Туркиянинг Анқара, Измир, Истамбул шаҳарларида кечган кўнгилли кунлар.

Борини айтса фазилат дейдилар. Халқ танлаган, сайлаган биринчи Президент Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббускорлигига, мардлигига, эзгулик йўлидаги ўзгаришлар одами эканлигига нафақат республикамизда, нафақат ҳамдўстлик давлатларида, балки хорижда — Туркияда ҳам тан берилганлигининг гувоҳи бўлдик. Агар, ҳали ошкора айтиш хавфли-хатарли бўлган, мартабасидан четлатилишига баҳона саналган бир пайтда шахсий ҳаловатни, амални ўйламай, эл-парварлик қилиб, узоқни кўзлаб партияни ажратиб олмаганида, Ўзбекистон мустақиллиги баёноти ташаббускори бўлмаганида, ва ниҳоят халқ тасдиғидан ўтказиб олмаганида бу хурриятқунларига осойишталик билан, қурбонсиз эришмоғимиз, жаҳон ҳамкорлигига қадам қўйишимиз мушкул эди. Ҳамма нарсанинг дадиллик билан таваккал амалга оширилган қалдирғочи, ибтидоси ҳам ширин, ҳам унутилмас бир воқеадир. Дунёдаги қатор йирик мамлакатлар таклиф этиб, ўз ҳамкорлигига чорлаб турган бир пайтда, ҳар томонлама теран фикр юритиб, тарихни, бугунни ва эртани ўрганиб, табаррук Туркияга борилгани ғоят соз бўлди. Имон-эътиқоди бутун, лафзи ҳалол Туркия орқали жаҳон дарвозасининг очилгани, тоғдек мустаҳкам суянчиққа таянилгани донолик бўлди. Мана энди озод Ўзбекистонни қисқа вақт — ўн кунда йигирмадан ортиқ мамлакат тан олди.

Турк халқининг очиқ чеҳраси, зориқиб кутган жигарбанди келганидек, зўр мамнуният билан қарши олгани, олий даражада меҳмондўстлик, ҳиммат кўрсатгани илк қадамимизнинг қутлуғ бўлганидан нишонадир.

Мустақил Ўзбекистоннинг озод давлат сифатида чинакам ҳуррият қарор топган Туркия жумҳуриятига бориши, мустақил республиканинг Ота Турк сингари биринчи Президенти Ислом Каримовнинг чинакам эркин, юксак демократия авжланиб бораётган улуғ мамлакатнинг жумҳур бакани Турғут Ўзол билан бош вазири Сулаймон Демерэл билан мулоқоти ҳақида ҳали кўп ёзилажак, достонлар, романлар битилажак. Бизнинг бугунги улуғ айём кунида айтадиган гапимиз Ўзбекистон — Туркия дўстлиги уруғи униб, гуркираб ўссин, ўзининг ширин меваларини берсин, серҳосил бўлсин! Тарихда Туркия йили бўлиб қолсин, тошлардаги ёзувлар ўчса ҳам бу асло ўчмасин!

Туркиядан Ўзбекистонга қайтар кунимиз, Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўйи муборакдари, оёқ излари қолган лавҳа турган жойни бориб зиёрат қилдик. Кўриш жуда оз кишиларга насиб этган, кейинги йигирма йилда бирор марта очилмаган сандиқда сақланаётган, фақат олий даражадаги имон-эътиқодли меҳмонларгагина кўрсатиладиган Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам кийган чопонни Ислом Каримовга лутфан кўрсатдилар. Бухоро вилояти нойиби Мансур хожи Абдуллаев ҳамда туркиялик мулла Қуръони азим оятларидан ўқиб, дуо-ният қилишгач, Ислом Каримов ҳам овоз чиқармай, нималарнидир, ният қилиб юзига фотиҳа тортди. Ўша кун азиз ва мўътабар қадам жойда ният қилганлари куни кеча, Ўзбекистон мустақиллиги учун халқимиз овоз берадиган кун арафасида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти меҳнаткашлари вакиллари учрашувида аён бўлди. Президентимизнинг ўзлари айтдилар. Ният этибдиларки:

— Ўзбекистон халқининг йўлини ўзинг очгин, мустақиллик камолига етсин, халқимиз фаровонликка эришсин!

● Янги йилда — туркийлар йилида Ўзбекистон халқининг эзгу-ниятлари рўёбга чиқсин. Ҳизр назар айлаб, диёримизга ота бўлган Ислом Каримовнинг нафаси мустажиб бўлсин, халқим озодлиги рост бўлсин, равнақи барор ўлсин!

Расул РАҲМОНОВ.

«ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ»

● Тошкент телевиденисида «Истиқлол йўли» деган видеофильм намойиш қилинди. «Ахборот» ижодий уюшмаси жамоаси томонидан ишланган бу ҳужжатли лента Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошлиқ жумҳуриятимиз намояндаларининг Туркияга сафари ҳақида ҳикоя қилади.

Ўзбекистон намояндалари тўрт кун давомида мўъжизакор ўлка Туркия диёрининг меҳмони бўлдилар, пойтахт Анқара, гўзал Измир, афсонавий Истанбулни сайр қилдилар, қондош ва қариндош турк халқининг ҳаёти билан танишдилар. Фильм бошдан-оёқ бир илдиздан кўкарган икки халқ — ўзбеклар ва туркларнинг бирдарлигига меҳр нури билан суғорилган бўлиб, қардошликнинг оташин қўшиғидай жаранглайди.

«Истиқлол йўли» фильми — халқимиз тарихидаги муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистоннинг ташқи дунёга чиқишини кўрсатиш билан бирга шу воқеанинг асосий ижрочиси республика Президенти Ислом Каримов қиёфасида жонкуяр раҳбарнинг тўлақонли сиймосини акс эттиришга муваффақ бўлган.

Видеофильмдаги бетакрор тасвирлар, сермазмун матн ва дилрабо мусиқа унинг завқ-шавқ билан томоша қилинишига беихтиёр ундайди. Шу боис уни кўргач, сценарийчилар, режиссерлар ва операторларнинг ўзаро уйғун хизмати ўзбек ва турк халқларининг азалий қардошлигига муносиб мадҳия бўлибди, дегимиз келади.

Ф. Шоҳ ИСМОИЛ.

Президент авф этди

БАЙРАМНИ ЎЗ УЙЛАРИДА

Бугун Ўзбекистонда қўш байрам. Негаки, Республикамиз халқи Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун тўла овоз бериб, хурриятни қўлга киритди, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаб олди.

Лекин шундай тантаналар арафасида, айниқса, Янги йилда яна бир ажойиб хушхабарни тан олмай иложимиз йўқ. Маълумки, илгари хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов «Пахта иши» билан судланиб, республика ҳудудидаги ахлоқ-тузатиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни авф этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чеккан эди. Бу Фармон меҳнаткаш халқимиз томонидан жуда зўр қувонч билан кутиб олинди.

Шунга кўра Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг ахлоқ-тузатиш муассасаларида ва махсус комендатураларида «Пахта иши» билан қамалганларнинг шахсий ишларини қайта кўриб чиқиш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Қамалганлардан 100 кишининг иши алоҳида тайёрланиб, авф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳал этиш учун жўнатилди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуасининг 50,50² = моддаларига биноан 28 киши муддатидан илгари шартли равишда қамоқдан озод қилиндилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори ва ажримига кўра 28 декабрда 18 киши қамоқдан озод этилди. «Пахта иши» билан қамалиб, республикадан ташқарида жазо муддатини ўтаётган 6 кишининг 3 нафари шартли равишда муддатидан илгари озод қилинди.

Ҳа, бугун ана шу кишиларнинг хонадонларида қўш-қўш байрам. Уларнинг кўпчилиги Янги йилни ўз уйларида, бола-чақалари қошида қарши олдилар. Улар «Эй худо, ўзинга шукур, ҳақиқат бор экан-ку», дея Президентимизни олқишлашмоқда.

Т. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

1991 йил Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Фармонига биноан Алишер Навоий йили бўлди. Биз ҳазрати Алишер Навоийнинг 550 йиллик таваллудини ҳар қачонгидан ҳам улуғроқ ва тантаналироқ ўтказишга эришдик. Шарқ машъали бўлган пойтахтимизда Алишер Навоий миллий боғи яратилди ва у шаҳримизнинг қадамжойига айланди.

Ҳазрати Алишер Навоий ижодий меросини йиллар мобайнида мунаққидлар қатори атоқли адибларимиз ҳам ўрганиб келишган, ўз муносабатларини билдиришган. Атоқли партия ва давлат арбоби, ёзувчи ва публицист Шароф Рашидов ҳам алломанинг тадқиқотчиларидан бири эди.

1991 йил — Шароф Рашидовнинг муборак номи оқланган, адолат тантанаси йили ҳам бўлди. Ўзининг 45 йиллик фаолиятини халқ ишига, раҳбарлик санъатига бағишлаган инсон қадрини турғунлик даврининг турли шарпаларига учиб билиб-билмай бўлганлар, покиза қалб руҳига раҳна солганлар учради.

Шароф Рашидов «Ўзбекистон овози»нинг бош муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг Раиси ва Ўзбекистон партия ташкилотининг раҳбари бўлиб узоқ йиллар ишлаган пайтларида ҳам бир неча роман ва қиссалар ёзди, жаҳонга таралган «Тошкент руҳи»нинг ижодкори бўлди, оташин публицистика мактабини яратди.

Республикамиз мустақиллик йўлидан дадил одимлар экан ана шу мақсадга биринчилардан бўлиб интилган атоқли ва ардоқли мураббийларимизни унутмаслигимиз керак. Шу важдан Ўзбекистон Маданият вазирлиги Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Мухтор Ашрафий, Исоқ Ражабов, Муҳиддин Қори Ёқубов, Юнус Ражабий, Фахриддин Содиқов, Маннон Уйғур, Камолиддин Беҳзод номидаги стипендиялар таъсис этгани диққатга сазовор. Улар республика санъат ва маданият олий ўқув юртларининг талабаларига алоҳида муваффақиятлари ҳамда ижодиётда янги ютуқларга рағбатлантириш мақсадида берилади.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент, Самарқанд, Нукус ва Фарғона давлат дорилфунунларининг филология ва журналистика факультетларида таҳсил олаётган истеъдодли талабалар учун ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ СТИПЕНДИЯ ТАШКИЛ ЭТСА АЙНИ ҲАҚИҚАТ ЮЗАГА ЧИҚҚАН БЎЛУР ЭДИ. «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИ МУҲАРРИРИЯТИ БУ МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ МАСАЛА ТЕЗ ҲАЛ ЭТИЛИШИГА ИШОНАДИ.

Бугун атоқли ёзувчи ва публицист Шароф Рашидовнинг 1979 йили Алишер Навоийга бағишлаб ёзган «Шоир, мутафаккир, инсонпарвар» мақоласидан бир парчани эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

• АДИБ ҲАҚИДА СЎЗ

Шароф Рашидов (чапдан учинчи) Назим Ҳикмат, Константин Симонов, Мирзо Турсунзода, Расул Ҳамзатов, Комил Яшин ва Сотим Улуғзодалар билан суҳбатда.

Шароф РАШИДОВ

ШОИР, МУТАФАККИР, ИНСОНПАРВАР

Инсоният ва унинг кўп минг йиллик маданияти тарихи шундан далолат берадики, ўз тақдирини ва ижодиётини халқ тақдири билан чамбарчас боғлаган кишилар асрлар бўйи авлодларнинг қалбларида барҳаёт яшайдилар.

Буюк шоир, донишманд, инсонпарвар Алишер Навоийнинг номини ўтмишнинг энг сарбаланд даҳолари қаторида ёд этамиз. Унинг асарлари вақтнинг синовларига дош бериб миллион-миллион кишилар маънавий ҳазинасининг ажралмас бўлаги бўлиб қолди.

Бу улуғ донишманд яшаган ва ижод қилган давр қарама-қаршиликлар билан тўлиб-тошган ўзига хос даврэди.

Алишер Навоий (1441-1501) мана шундай оғир, шафқатсиз бир замонда яшади ва ўз беҳад буюк асарларини яратди.

Социал воқелик, ўша замонда мавжуд ҳаётий шароитлар Навоий ижодиётининг шаклланишида муҳим роль ўйнади. Навоий ўз даврининг барча илғор билимларидан етук хабардор эди. Унинг кенг билимлари дунёқарашларининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. У қурби етган қадар тарих тажрибаларига суянди. Греция ва Рим, Ҳиндистон ва Эрон, араб ва Европа мамлакатлари, Озарбайжон ва арман юртининг тарихи, адабиёти, фалсафаси ва илм-фанини ҳар томонлама ўрганди. У инсон тафаккурининг бебаҳо меваларига зўр муҳаббат қўйди, улардан беҳад ҳайратга тушди ва беҳад қадрлади, ўз маънавий дунёсини, жонажон халқининг маданиятини улар билан бойитишга ҳаракат қилди.

Навоий қадимги Юнонистонни илм-фан, тафаккурнинг, бадиий маданиятнинг тенгсиз маскани деб таърифлади ва ўз қаҳрамонларини, хусусан Фарҳодни бу мамлакатга олиб борди, уни буюк билимлардан баҳраманд киши сифатида кўрсатди.

Алишер Навоий Шарқ шеъриятининг Низомий, Ҳофиз, Саъдий, Ҳусрав Деҳлавий сингари улуғ намояндаларидан ўрганди, улар панжасига жасорат билан панжа урди, улар ишини ижодий давом эттирди. У шер ёнида шер бўлишга интилди. У шеърият ва тафаккурнинг муҳташам биносини қуриш ва бу гулшан саройни кўп халқларнинг ҳазиналари билан бойитиш, умуминсоний мавқега кўтаришни орзу қилди. У ўз орзусига етди!

Алишер Навоий ўз асарларида даҳо шоир ва файласуф, носир ва муаррих, тилшунос ва қонуншунос, адабиёт ва музика назариётчиси, улкан давлат арбоби сифатида намоён бўлади.

Унинг асарлари жам ҳолида илм-фан ва тафаккурнинг чинакам қомуси бўлиб кўринади. Ҳақиқатан ҳам даврнинг бирон-бир йирик илмий, ижтимоий, адабий, фалсафий ҳодисаси йўқки, у Навоий назаридан четда қолган бўлсин. Навоий бу барча соҳалардан теран хабардор, улар ҳақида ўз доно ва ўлмас сўзларини айтган.

Навоий ўз ўтмишдошлари ва замондошлари ижодида кўринган торлик, чекланганликни зўр қудрат билан енгиб ўтди, ўз халқи адабиётини жуда юксак камолот чўққисига кўтарди. Шоир ва мутафаккир Навоий ўз халқини улуғлади, адолат ва эзгуликни куйлади, олижаноб инсон ҳиссиётларини тасвирлади. У инсонга маънавий ва руҳий баркамоллик бағишлайдиган барча нарсаларни, одамлар ўртасида дўстлик ва тинчлик ғояларини, ижтимоий адолатни эҳтирос билан шарафлади. У ижтимоий зулм ва зўравонликка, мунофиқлик ва нодонликка, дин пешоларининг найранг ва ифволарига қарши курашди. У қаттиқ туриб халқ ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилди. Унинг беҳад теран инсонларварлиги мана шунда.

Чинакам шеъриятга, ҳақиқатга, халққа, Ватанга садоқат билан хизмат қиларкан, Навоий ўзининг ҳақ эканлигига, адолатни ҳимоя қилаётганлигига ишонар, лекин уларни ҳаётга жорий этишга келганда ярамас муҳитнинг қаршилигига учрар, изтироб ичида ўртанарди. Лекин бунинг аниқ сабаблари юқорида айтилгандай унга маълум эмас эди. Давр ҳали бунинг сабабларини очиб бериш даражасида етилмаган, зиддиятлар талашуви ичидан уларни топиб олиш эса осон эмасди.

Шундай бўлса ҳам Навоий тақдирга тан бериб ўтирадиган кишилардан эмасди. У руҳий таназзулдан қутулиш йўлларини тинимсиз қидирди ва мана шу оғир изтиробли изланишларида ғолиб чиқди. Изланишлари ўлмас ғазаллари бўлиб қоғозга тушди.

...Халқнинг муқаддас иши учун, ақл-идрок, ёруғлиқ, яхшилик ва адолатнинг тантанаси учун курашган ва шундай курашларни шарафлаган барча улуғ инсонлар — бизнинг замондошларимиздир. Алишер Навоий шундай муборак зотлардан бири. Унинг боқий асарлари инсониятнинг бахт ва тараққиёт йўлини ёритиб, жаҳон тараққийпарвар кучларини бирлашишга чақирмоқда.

У — тоабад барҳаёт.

1979 йил.

• ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

ХАЛҚ ИШОНГАНИГА ЭРГАШАДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси шаҳар ва район ташкилотларида таъсис қурултойларининг бўлиб ўтганига икки ойдан ошди. Хўш, шу даврда партия қўйи бўғинларида нима ишлар қилинди? Муҳими, ҳозирги мураккаб сиёсий жараёнда, кўппартиялилик, қарашлар хилма-хиллиги вазиятида янги партия халқ ишончини қозона оляптими? Ёки кундалик воқеалар билан овора бўлиб қолиб ҳаётдан орқада қолишмаяптими?

Очиқ айтиш керак, ҳозирги шароитда Халқ демократик партиясининг асосий бўғинларида фаолият кўрсатаётган ходимларига қийин бўляпти. Ахир, бутун бир партияни шакллантириш, мақсади, маслаги, дунёқараши бир бўлган кишиларни уюштиришнинг ўзи бўладими? Айримлар жўнгина айтаётганидек Халқ демократик партияси собиқ Компартиянинг номи ўзгарган кўриниши эмас. Партия бутунлай янги, қайтадан туғилган партиядир. Фақат собиқ Компартия аъзолари учун янги партияга ўтишда бирмунча қулайликлар яратилди, холос. Агар қаерда бундан бошқачароқ йўл тутилган бўлса, бу нотўғри. Жиззах вилояти шаҳар ва районларида эски партия аъзоларининг 50—60 фоизигина янги партияга аъзо бўлди. Вилоятдаги энг йирик Жиззах шаҳри партия ташкилотида бу рақам 53 фоизни ташкил этди. Шу кунларда унинг ҳисобида 2769 аъзо бор. Шуларнинг 599 нафари партияга янгидан қабул қилинганлардир.

Бошқарув идоралари, ўқув юртлари, ҳуқуқ-тартибот органларини партиядан ҳоли қилиш ҳақидаги фармонлар айниқса шаҳар партия ташкилоти олдига жуда кўп муаммоларни қўйди. Айнан ўша ташкилотларида ишлаб, партия аъзоси бўлишни хоҳлаган ходимларни бошланғич ташкилотларга уюштириш зарур эди. Озгина лоқайдлик, бефарқлик кишиларнинг ишончини йўқотиши ҳеч гап эмас. Шу боис шаҳар партия ташкилоти фаоллари юқоридан кўрсатма кутиб ўтирмай бевосита маҳалла қўмиталари қошида ҳуқуқий бошланғич партия ташкилотлари тузишга киришдилар. Шу тарзда шаҳарнинг Маданият, Жиззахлик, Қассоблик, Заргарлик, Тошлоқ ва А. Абдужабборов номли маҳаллаларида тузилган бошланғич ташкилотлар ўқув даргоҳлари, ижодий ташкилотлар, ҳуқуқ-тартибот органлари, бошқарув идораларидаги ХДПга аъзо бўлишни хоҳлаган ишчи ва хизматчиларни бирлаштирди. Бу тадбирларни амалга оширишда партия аъзолари бўлган депутатлар ёрдамига таянмоқда. Маданият маҳалласида бўлганимизда бошланғич партия ташкилотининг маҳалла марказидаги шинамгина безатилган хонасида иш олиб бораётганининг гувоҳи бўлдик.

— Республика Президенти сайлови ҳамда жумҳурият мустақиллиги тўғрисидаги референдумга тайёргарлик ва уни ўтказиш ишларида айниқса фаол қатнашдик, — дейди Халқ демократик партияси Жиззах шаҳар кенгашининг биринчи котиби М. Юсупов. — Ҳозир ҳам халқ билан учрашувларни давом эттиряпмиз. Бу мулоқотларда партиянинг мақсади, режаси кенг ва атрофлича тарғибот қилинаяпти. Маҳаллалар йиғилишларида, уй-жой бошқармаларида, тўй-маъракаларда доимо партия фаолларини учратиш мумкин.

Ростдан ҳам шаҳар партия ташкилоти асосий иш жойини халқ орасига кўчирган. Зеро, катта-ю кичик билан мулоқот бир пайтлар бўлгани сингари дабдабали хизмат хоналарида эмас, балки уй-жойларда меҳнат жамоаларидаги турли тадбирларда уюштирилмоқда. Ўз навбатида шаҳар оқсоқоллари, партия, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар, дин вакиллари билан бўлаётган учрашувлар, давра суҳбатлари халқ дарди билан яшаш, уларга тобора яқинлашиш имконини беряпти. Шунинг учун ҳам шаҳарда ХДП аъзолари сони кундан кунга ошиб бораяпти.

Шаҳар партия кенгаши котиби Тоҳир Муқимовни Тошлоқ маҳалла қўмитаси бошланғич партия ташкилотида — котиб Хайитбой Ўрдушов ҳузурида учратдик. Мазкур ташкилот шаҳар халқ таълими бўлими, Охунбобоев номли мактаб ҳамда Тошкент меъморчилик ва қурилиш олий билимгоҳининг Жиззахдаги филиали ишчи-хизматчиларидан 98 нафарини бирлаштирган.

Котиб партиявий ишларни ташкил этиш, бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида гапирар экан, партиянинг фаолиятига оид норматив ҳужжатлар вақтида ишлаб чиқилмаётганлиги, айрим ҳолларда уларнинг жўнгина тайёрланаётганини айтди.

Яқинда донгдор пахтакор, Мирзачўл районидаги Абай номли давлат хўжалиги директори Абдураҳмон Оқилбоев билан суҳбатимизда у қиши менга ХДП аъзоларига партия билетларини имкони борича тезроқ тарқатиш оддий меҳнаткаш халқ учун катта аҳамиятга эга эканлигини айтганди. Худди шу фикрни шаҳардаги бошланғич партия ташкилотлари котиблари, оддий аъзолар кўп маротаба такрорлашди.

Тўғри, муаммолар, ечимини кутаётган масалалар кўп. Аммо жумҳуриятимиз мустақиллигини ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан сақлаб қолишда Ўзбекистон ХДПнинг ўрни, роли ва обрўси ҳар қадамда сезилиб туриши учун курашишимиз зарур. Токи жамиятимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ва камчиликларни баралла айтишдан, халқ манфаати учун курашаётганлигимизни, халқчил ғоямизни тарғиб этишдан ҳеч чўчимайлик. Акс ҳолда халқнинг янги, эндигина тетапоя қилаётган партияга нисбатан ишончига раҳна тушиши мумкин.

Район партия ташкилотларининг бирида таъсис қурултойи пайтида рўй берган воқеа кўпчиликни ҳушёр торттирди. Маърузадан кейин ҳеч ким музокарага чиқиш истагини билдирмагач, нуфузли ташкилотнинг раҳбари минбарга чиқиб, райондаги салбий ишларни бирма-бир санаб берди. Назорат органларининг бутунлай фаолиятсизлигини ошкора танқид қилиб, бу ҳолларни кўриб-билиб турган қурултой иштирокчиларининг бефарқлигини қоралади.

Демоқчимизки, биз ҳушёр, одил бўлмасак, ҳушёрлар топилади, биз жанговарлик қилмасак, бошқалар жанговарликни илиб кетадилар. Халқ эса доимо доно, одил халқчилларга ва дадил кишиларга эргашиб келган.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚИЗҒИН ТИЛАКЛАР

Таҳририятимизга деярли ҳар куни келиб турган қизғин қутловлар, эзгу ниятлар, истиқлолимизни ёқлаб билдирилган оташин истаклар ҳам мустақиллик ниҳолининг туп қўйиб, палак ёзиши учун мусаффо ҳаво, ёқимли шабада янглиғ дилларни яйратмоқда. Ана шундай қутловлар, яхши ниятлардан бири Америка Қўшма Штатларида истиқомат қилувчи, «Мақсудий корпорейшн» фирмасининг соҳиби, «Эл» халқаро уюшмасининг Президенти Абдурауф Мақсудийдан олинди.

«Муҳтарам, азиз биродарлар! — — деб бошланган ушбу табрикда қуйидаги сатрлар бор. — Асрий зулмлардан тўшлари куйган, мустақиллик ғояларидан тобора мустаҳкамланиб бораётган, ҳалол меҳнат билан ризқу-рўз бунёд қилаётган юртдошларим! Ҳаммангизни ва Сиз орқали оила аъзоларингизни, дўсту ёрларингизни янги, 1992 йил билан чин кўнгилдан табриклайман. Янги йил ҳар бир ўзбек хонадонига қут-барака олиб келсин. Мардонлар юзидан шижоат, келин-қизлар юзидан ҳусн, фарзандларимиз юзидан шоду-ҳуррамлик аримасин. Биз эндиликда мана шундай эҳтиромга лойиқмиз, деб ўйлаймиз. Чунки 1991 йил Ўзбекистон жумҳурияти тарихида қай даражада қутлуғ йил сифатида қолган бўлса, 1992 йил ҳам янада қутлуғроқ келишига ишонамиз. Ўзбекистон ҳукуматининг раҳбарларидан тортиб, оддий деҳқонгача енг шимариб, ҳеч нарсадан ҳадиксирамай астойдил бунёдкорлик ишлари билан шуғулланадиган давр келмоқда. Биз ҳар жиҳатдан мана шу масъулиятли даврга муносиб бўлайлик, ибратли амалларимиз билан танилайлик. Осмонимиз ҳамиша кенг, йўлларимиз равшан бўлсин».

Худди шундай табрикнома Нью-Йоркдан, «Мақсудий корпорейшн» фирмаси жамоасидан ҳам олинди. Унда қуйидаги дил сўзлари ғоятда шавқу завқ билан зикр этилибди.

«Мустақил Ўзбекистон жумҳуриятининг Президенти Ислом Каримов жаноблари, муҳтарам ҳукумат аъзолари, муҳтарам халқ депутатлари, азиз ватандошлар!

Ҳаммангизни, оила аъзоларингиз, орқадошларингизни яқинлашиб келаётган янги йил байрами билан табриклаб қўйишга ижозат беринг...».

Қутлов сўнгида яна қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин.

«...Бор-йўғи бир йил муқаддам 1991 йил башарият тақдирини, башарият тафаккурини шу қадар даражада ўзгартириб юборадиган янгиликлар олиб келишини тасаввур қилганмидик. Пайдо бўлган кунидан бошлаб башарият орасида ижтимоий ҳасад каби бедаво дардни тарқатган коммунистик режим вайронларидан бошқа эзилган халқлар қаторида ўзбек халқи ҳам ўзининг мустақил давлатига эга бўлган. Жумҳуриятларнинг мустақиллигини бўғиб турган марказ тугатилди. Чиндан ҳам озодлик ва демократиянинг шиддатли тўлқинларида юзага келаётган сиёсий ўзгаришларнинг кўлами чексиз. Яна бир йилдан кейин бизни қандай янгиликлар кутаётганини тасаввур қилиб бўлмайди. Билганимиз бундан буёнги тақдиримиз чиндан ўз қўлимизда, хоҳ ижобий, хоҳ салбий ўзгаришлар содир бўлса фақат ўзимизга боғлиқ. Бас шундай экан, эндиликда бир-бирларимизга меҳрлироқ, оқибатлироқ бўлайлик. Ўзбекистондаги барча ижобий кучларнинг машаққатли меҳнати билан бунёд бўлган мустақилликни мустаҳкамлашга бутун моддий ва маънавий қувватларимизни жамлайлик. Ибратли қўшничилик сиёсатимиз, маърифатли муносабатимиз билан 1992 йилда ўзбек халқини жаҳондаги тенг ҳуқуқли халқлар даражасига кўтарайлик.

Ҳаммангизни яна бир карра янги йил байрами билан табриклаб қўйишга ижозат беринг. 1992 йил ўзбек миллати учун шуҳрати асрларга тенг татийдиган ғалаба йили бўлиб қолсин».

• Ёзувчи минбари

ИСТИҚЛОЛ — ОРОМ ДЕГАНИ ЭМАС



Не-не раҳбарларни кўрмади жумҳуриятимиз. Уларнинг биронтасидан эл рўшнолик кўрмади десам, аларнинг арвоҳлари зирқирагай. Ўзим эса гумроҳликка қадам қўйган бўлурман. Ҳаммаси ҳам халқнинг манфаатини ўйлади. Ҳеч нарса қилмади дегани боғ яратди. Ер очиб, деҳқончиликка йўл берди. Меҳнаткашнинг ташвишини, ғамини еди... Аммо «лекин»ни бор. У «лекин»ларнинг таги кўп зил-замбил, оғир.

Жумҳурият тепасига келган «Ота»ларимизнинг қай бири Давлат мустақиллигини ўйламадикин? Акмал Икромовми ёки Файзулла Хўжаевми? Йўлдош отами? Усмон Юсуповми?... Уларнинг ўйлаганлари бўлса бордир, лекин кўпчилигининг ниятлари ичида қолди. Озгина журъат этганларининг бошлари танасидан жудо этилди. Кўп хиёнатлар, қиёмат кунлар бўлди бу очунда. «Босмачи», «аксил инқилобчи», «халқ душмани» ва яна минг бир тавқи-лаънатлар билан элнинг юраги зада қилинди. Мустақилликни ўйлаш одамларнинг хаёлидан ҳайдаб чиқарилди. Луғатимиздан ўчирилди. Иттифоқ деб аталган катта дошқозон тўлиб-тўлиб турадиган, мабодо унинг қопқоғи беркитиб қўйилса, истаган жаннатмакон юрт ҳам ҳассасини йўқотган кўрдай, тентираб қоладиган бир ҳолатга келтирилди.

Бугун жумҳуриятимизда ҳукми вожибни амалга оширгучи баъзи раҳбарлар орзу қилган, кўплари хаёлига келтирмаган «Мустақиллик» деган қутлуғ сўзни эълон қилиш Ислом Каримовга насиб этди. Шу ўринда Президентимиз шаънига илиқ сўзлар айтиб, ҳамду-санолардан ўзимни тийгайман. Негаки, ҳали мустақиллик эълон қилинди, холос. Унга тўла эришмоқ, чин маънода уни барқарор этмоқ учун не-не қурашлар олдинда турибди.

Рост гапни айтмоқ керак. Истиқлол бу ҳар қандай қийинчиликлардан ҳам устун турувчи миллатнинг виждонидир. Бугун бу қутлуғ сўз ана шу туйғуни пок асрамоқ имконини берди. Буни Туркистон деб аталган буюк замин неча асрлар давомида кутган эди.

Истиқлол бугун ҳур фикрламоққа ундади. Менда шу қутлуғ сўзни жисмимга жо этиб, мустақиллик номи билан қурилаётган муҳташам бинонинг остонасида ғурур ила сўзлагайман. Шу чоғ ҳаммадан ҳам ўтмиш деб аталган буюк бир мозий, яқин-яқингача юртимиз, элимиз бошига отилган маломат тошлари, руҳимга кўп яқин бўлган, узоқ-узоқ юртлардаги муҳожирлар (биз уларни неча-неча йиллар давомида «хоинлар» деб атаб келдик, бу тавқи-лаънатлардан ҳали ҳам тамомила воз кечганимиз йўқ) хаёлимдан ўтади.

Биз буюк мозийга не таъна тошларини отмадик. Бобомиз Мир Алишер Навоийни замонасидан, ўз дўсти Ҳусайн Бойқародан норози дедик, динни «инкор» этган томонларини қидириб топдик. Хуллас, ўзимизга лозим бўлган, айтган йўлимизга юрадиган Навоийни ясадик. Бобур босқинчи дедик. Тасарруфида Киров номи билан аталгучи неча-неча жамоа хўжаликлари, туманлар бўлишига қарамай, колхозларнинг қўшилиши баҳона уларнинг биттасини Бобур номи билан аташга журъат этган раҳбарнинг бошига юртидан бадарға қилмоқдан бошқа ҳамма маломатларни солдик. Натижада юртимизга оёқ босмаган, унинг нималигини, ўзбек деган миллатнинг бор-йўқлигини билмаган шахслар миллатимиз ифтихори ҳисобланган, дунёга машҳур алломалардан минг чандон устун, эътиборли бўлиб келди жумҳуриятимизда.

Яқин ўтмиш янада даҳшатли бўлди. Истиқлол байроғини ушлаган «Қўқон мухторияти» 1917 йилнинг ўзидаёқ тор-мор этилди. Улар «бойларнинг хомийлари саналиб, шафқатсизларча йўқотилди. Олиму шоирлар, фозиллар ватани бўлган Қўқон остин-устун қилиб ташланди. Масжидлар ёнди. Мадрасалар вайрон бўлди. Бегуноҳ фуқаролар аёвсиз қиличдан ўтказилди. Байроқ синди, қулади.

«Босмачи» деб аталган бўйсунмаганлар, чор Россиясига қарши бош кўтарган Мадаминбек Улуғ Октябрдан ҳам рўшнолик кўрмади. Отидан тушмасдан жанг қилди. Кимнинг тузоғига илинган бўлса-да у, шапкасига қизил юлдуз тақиб ўлдирилди. Қўқон чеккасидаги карвонсарой дарвозаси тепасига унинг азиз боши танасидан жудо қилиниб санчиб қўйилди.

Во дариғ! Истиқлол байроғини ушлаган Бек ва яна бошқа Ватан озодлиги учун оёққа турганлар, бугун мустақиллик остонасида азоб билан сўзлаётган авлодларингизнинг узрини қабул этгайсиз.

Яна бири Шермуҳаммад бек эди истиқлол деган. У йўлида бирмунча адашди. Тентиради. Элнинг дардига малҳам бўлолмай, унинг ярасига даво излаб сарсон бўлди. Афғонистон, Кашмир, Покистон, Ҳиндистон йўллари бечорани ҳолдан тойдирди. Не нажот излади бу йўлларда Бек. Ниҳоят, Туркиянинг Адана вилоятида банагоҳ нигоҳи равшан тортди. Шу ерда тўхтади. Ўғли Давронбекни чақириб: «Шу ерни Ватан этгайман, боиси ўғлим, бу шаҳри муборак она юртим Марғилонга ўхшайгай. Мана бу бўй чўзиб турган оппоқ тераклар Гарбобо деб аталгуси қишлоғимни эслатгай. Шу ерда жон таслим этгайман болам!» — деди. Бек келини Сурмахонга васият этди:

«Қизим, жоним узилаётган кез, имон келтирганимдан сўнг, мана бу армонли сўзларимни ўқигайсан:

Қарғалар учса қарайлик,
Марғилоннинг йўлига.

. . . . . .

Ё қудрати кароматингга тасанно, шундай бўлди, ниҳоят!

Океанлар ортида, Нью-Йоркнинг қоқ марказидаги Шерматбек ўғли Давронбекнинг мўъжазгина хонасида у билан дардлашаман Давронбек она юрти Туркистонни кўрмаган, Афғонистонда туғилган. Унинг вужудига Ватан туйғуси, юрт соғинчи отасидан ўтган. Отасининг армонли дарди фарзандларига мерос бўлиб қолган.

— Не армонингиз бор? — дедим суҳбатдан кейин Бекнинг ўғлига.

— Армон дейсизми, эҳе... Қиблагоҳим отини суғорган ўша Гарбобо қишлоғидаги ариқдан бир ҳовуч сув ичсам, иккинчи ҳовучга энгашаётганим чоғ, жоним узилса майлийди. Ўзга армоним йўқдир, азизим.

Не дейин, не жавоб айлайин бунга. Дунё-дунё бўлиб, бунчалар шафқатсиз бўлмаса. Одам-одам бўлиб, бунчалар бераҳм, бунчалар ёвуз бўлмаса дейман. Ниҳоят, ҳаяжондан ўзимни тўхтатиб, айтгайманки: Ҳурматли Ислом Абдуғани ўғли, алар душман деб келинган бўлса-да, мабодо бизга, қилич кўтарган чоғида юртнинг ҳимояси учун: ноҳақ қон тўккан бўлса-да адашиб баъзан, уларнинг бегуноҳ фарзандлари, оталарининг шаъни учун сиздан ўтиниб шафқат сўрагайман. Ва яна юрагимизни ва бутун вужудимизни зада қилиб келган, халқимизнинг шаънини, ғуруруни ҳақоратлаб, «Басмач!» деб келинган даҳшатли сўзнинг рост, ёлғонлигини кўриб чиқмоқ учун, бугун истиқлол ҳаққи Фармони олий бергайсиз.

Кун-ора қоғоз-қаламимни кўтариб, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика илмгоҳининг талабалари ёнига шошиламан. Деярли ҳар куни от устида ўтирган, белида қилич осиғлиқ саркарда Фрунзенинг салобатли ҳайкалига кўзим тушади. Бу ненинг рамзийкин, деб ўйлайман.

Одамлар, айниқса фозиллар дунёни қалам билан забт этган эди-ку дейман. Ё саркарданинг бу ҳайбатли ҳайкали унинг қиличидан ўтган минг-минглаб бегуноҳларнинг қонини бизнинг ёдимизга солиб, ул мудҳиш тарихни эслатиб турмоқ учун барпо этилдимикин? Ҳар не олимлар, талабалар билан тўла илмгоҳ остонасида, ёш авлод йўлида от миниб, қилич осиб турган саркарданинг суратини яхшиликнинг рамзи демайгайман.

Ўйларимнинг охири кўринмас, чигал мулоҳазаларимнинг бош — учини тополмагайман. Истиқлол деб аталган ва бу ҳуррият йўлида жонларини фидо этган шаҳидларнинг руҳларини шод этмоқ қўлимиздан келармикин? Истиқлол азоби, шарафли йўлга бошлагайсан бизни.

Бугун истиқлол кунида яна хориждаги муҳожир дўстларимнинг аччиқ қисмати хаёлимдан ўтади.

Яқинда Ислом Каримов ўз Ватанига қадам ранжида этган хорижлик ҳамюртларимизга:

«Ассалому алайкум, азиз биродарлар!

Озод мустақил она диёримиз — Ўзбекистонга, ота-боболаримиз азиз хоки ётган она тупроққа, бобозамин Туркистонга хўш келибсиз» деб мурожаат этдики, бу билан уларнинг юртга ташна бўлган чўкик кўнгилларини кўтарди, Йиллар, йиллар давомида сарсон бўлган ватансиз, бахтиқаро, лекин бадавлат ўзбек энди кўч-кўронини кўтариб, юртларига қайтса ажабмас. Негаки, бир вақтлар ўшалар, уларнинг оталари бу табаррук заминни обод этган эди, «Озодлик!» дея истиқлол байроғини ушлаган эди, шул боис сиғмаган эди улар бу заминга.

Нью-Йоркда, муҳожир ватандошларимиз билан бўлган гурунгларнинг бирида кимдир ҳикоя қилди: Қачондир Канадага, Монреалдаги савдо ярмаркасида иштирок этмоқ учун Ўзбекистондан қайсидир раҳбаримиз етакчилигида бир гуруҳ санъаткорлар келишган экан. Бундан хабар топган Америкадаги юртдошларимиз, уларнинг дийдорларини кўрмоқ, кўришмоқ ниятида келибдилар. Улар истиқомат қилаётган меҳмонхонани топишиб, остонада соатлаб кутишибдилар. Ниҳоят, келаётганларини кўришиб истиқболига чиқибдилар.

— Ассалому алайкум, ватандошлар! — дебди америкалик юртдошларимиз.

Бизникилардан садо чиқмабди.

— Яна Ассалому алайкум ватандошлар, оллонинг саломига алик олинглар ахир, овозларингизни эшитайлик, ватандан олиб келган сасларингиздан бизларнинг баҳраманд этинглар, товушларингизнинг садағаси кетайлик, — дебди америкалик юртдошлар.

Яна бизникилардан садо чиқмабди.

Муҳожир биродарларимиз атлас либос кийган ўйинчиларимизга термулиб, дўппи кийган ҳамюртларига тикилиб-тикилиб, ўксиниб орқасига қайтибдилар.

Не гумроҳлик, не бераҳмлик, не шафқатсизлик бу, алҳазар!

Нью-Йоркда Давронбекнинг хонадонида бўлсангиз ўзингизни худди уйингизда, Тошкентда ўтиргандай ҳис этасиз. Унинг «Зангори экран»дан кун ўн икки соат ўзбекча ашулалар эшитилади. Куйлар, ўйинлар... ҳаммаси ўзимизники, Шерали Жўраев, Муножот Йўлчиева, Малика Аҳмедова, Ғулом Ёқубов... бир пайт Давронбек мумтоз ашулалардан бирини ижро этаётган хонанданинг номини сўраб қолди.

— Шу кишининг отлари нимайкин? Билмайсизми? Мен ашулаларини кўп севиб тинглайдиган ҳофизнинг исмини дарров эслаб ололмадим, хижолат чекканимдан:

— Ҳозир айтаман, — дедим чоғимда.

— Бормикин, ҳаётмикин у кишим?

— Ҳаёт, ҳаёт, борлар, — дедим яна бирмунча ўнғайсиз бўлиб.

— Бобомнинг, Нурматбек бобомнинг (Шермуҳаммадбекнинг укаси) шундай қўйиб қўйган ўзи, тавба, мабодо кўриб қолсангиз бу мўътабар зотни, менинг армоним учун бир қучоқлаб кўришинг, илтимос этгайман сиздан, — деди Давронбек менга қарамай.

Бу мўътабар зот, истеъдодли халқ ҳофизи Очил Отахонов эди. У кишини қидириб юрган кунларимнинг бирида тасодифан, «Санъат» журнали муҳаррирининг муовини дўстим Мияли Сафаровнинг хонасида учратиб қолдим. Салом-аликдан сўнг шошиб, Давронбекнинг армонини айтдим у кишига. Ҳофиз қулочларини ёзиб, мени бағрига босди. Мен эса ич-ичимдан қалтирайман, лабларим пирпираб, кўз ёшларимни тўкишдан ўзимни зўрға тийиб, пичирлайман: Давронбек азизим, армонингизни бажо этдим, ғойибона шод бўлгайсиз.

Мана шулар, биз ўзимизга душман ҳисоблаб келган ватандошларимиздир. Улар жумҳуриятимиз олтинларини вагонларга босиб олиб кетмаганлар, миллион-миллион тонна пахтамизни ялмоғиз янглиғ ютмаганлар, табиатимизни вайрон этмаган, дарёларимизни қуритмаган, бошимиздан оғу сепмаганлар. Аксинча улар бутун мол-мулкларини, уй-жойларини ташлаб, ҳатто косадаги овқатларини охиригача ичиб улгурмай, ватанни тарк этганлар. Фақат бир улуғ туйғуни — истиқлол туйғусини, она заминига бўлган улуғ муҳаббатини жисмига жо этиб чиқиб кетган эди улар. Азиз юртдошлар, шу қутлуғ муҳаббатларингиз икки жаҳон ичра сўнмагай.

Бугун бобомиз Амир Темур ушлаган байроқни бошимиз узра кўтардик. Лекин уни Темур босиб ўтган йўллардан олиб ўтмагаймиз. У ҳамиша мусаффо осмонимиз узра ҳилпирагай, миллатимиз ғуруруга айлангай!

Азиз эл, ҳуррият учун жонини тикмоққа шайланган халқ, байроқ тевараги да айтадиган сўзларим будир:

Истиқлол — бу қўшиқмас, ором ҳам эмас у. Истиқлол бу меҳнатдир, бу дарддир, жонни фидо этмоқни истагувчи ширин азобдир. Мабодо, истиқлол нималигини англамаган бўлсанг очун, уйғон!

Ёқуббек ЯКВАЛХУЖАЕВ.

Ўзбекистон Респу
Президентининг Фа

4-бет.

РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛИЙ САНОАТИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ГАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИ,

Узоқ йиллик ҳалол меҳнати, маҳаллий саноатни ривожлантиришдаги хизматлари ва ижтимоий турмушдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН:

Абдувосиқов Ҳасан Ғафурович — Тошкент «Металообработка» бирлашмасининг шофёри

Абдураҳимов Омон — Сурхондарё вилоят Бойсун тажриба шойи тўқиш фабрикасининг рассоми

Абдураҳимова Хатича Исмойловна — Наманган вилояти Чортоқ тикув фабрикасининг ишчиси

Аъзамов Солихон — Наманган вилояти «СССР 60 йиллиги» Косонсой шойи тўқиш фабрикасининг бўёқчиси

Акбарова Лазиза Асқаровна — Тошкент вилояти маҳаллий саноат бошқармасининг бошлиғи

Араббоев Жабборали — Андижон вилояти «КПСС XXV съезди» Шаҳрихон фабрикасининг директори

Аҳмедова Умужат Мирзаевна — Бухоро вилояти Ромитан халқ истеъмоли моллари фабрикасининг бичиқчиси

Гуляк Семен Ефимович — Узбекистон Республикаси Маҳаллий саноат вазирининг ўринбосари

Зиляев Николай Васильевич — Узбекистон Республикаси Маҳаллий саноат вазирлигининг шуъба мудири

Зоҳидов Ғайратжон Тўхтасинович — Фарғона вилояти Риштон бадиий кулолчилик заводининг директори

Зуҳурова Шарваной Исомитдиновна — Жиззах тикувчилик фабрикаси 1-цехининг тикувчи мотористи

Иброҳимов Маматожи — Фарғона вилоят ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармаси ремонт-қурилиш участкасининг бошлиғи

Эргашева Ҳури — Тошкентдаги «Полимэр» ишлаб чиқариш бирлашмаси цехининг калаваловчиси

Исомов Низом — Электррўзғор асбоблари ва хўжалик моллари Самарқанд ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригада бошлиғи

Капустина Галина Александровна — «Узгипроместпром» илмгоҳининг бўлим бошлиғи

Каримова Муяссар Саидвалихўжаевна — электр рўзғор асбоблари ва хўжалик моллари Тошкент бирлашмасининг йиғувчиси

Қосимов Ҳасанбой Полвонович — Фарғона вилояти бадиий тикувчилик фабрикаси 1-цехининг электриги,

Қодирова Рўзихон — Андижон вилояти Асака тикувчилик фабрикасининг тикувчи мотористи,

Ларичева Татьяна Сергеевна — Маҳаллий саноат вазирлиги молия, ҳисоб-китоб, назорат ва хўжалик фаолиятини таҳлил этиш бошқармасининг бошлиғи

Мажидова Ортиқхон Шокировна — Фарғона вилояти Марғилон бадиий тикувчилик фабрикасининг тикувчиси,

Мадраимова Норпошша — Хоразм вилояти Хива халқ истеъмоли моллари фабрикасининг бичувчиси

Манукян Азат Оганесович — Сирдарё вилояти Янгиер тикувчилик галантерея фабрикаси тикув цехининг устаси

Мартиросова Жана Дмитриевна — Тошкент шаҳридаги «Октябрь 50 йиллиги» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

Метлица Маргарита Григорьевна — Маҳаллий саноат режалаштириш-иқтисод бошқармасининг бошлиғи

Мирзараҳимова Манзурахон — Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи

Мирҳабибов Мираҳмад Мирҳабибович — «Шарқ» кўнпойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

Муҳаммаджонов Туроп — Тошкент «Шарқ гули» бадиий ишлаб чиқариш бирлашмасининг рассоми

Назаров Неъмат — Қашқадарё вилояти Яккабоғ саноат комбинатининг директори

Норова Обод Файзиевна — Термиздаги СССР 60 йиллиги номли тикувчилик фабрикаси техника назорати бўлимининг назоратчиси

Полвонова Тўхта — Қорақалпоғистон Республикаси Манғит халқ истеъмоли моллари фабрикаси тикувчилик цехининг тортувчиси

Раҳимов Каримжон Ғаниевич — Самарқанд ижара-ишлаб чиқариш тикувчилик бирлашмасининг бош директори

Салоҳитдинов Турсунпўлат Қиёмович — Сурхондарё вилояти маҳаллий саноат бошқармасининг бошлиғи

Толипова Ҳамара Назаровна — Жиззах вилояти Зомин бадиий буюмлар фабрикасининг директори

Тоирова Лубат Солиховна — Бухоро тикувчилик галантерея фабрикасининг тикувчи-мотористи

Тўрахонова Махбурат Тошпўлатовна — Тошкент вилояти Алимкент трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси

Турсунбоева Иқбол — Сирдарё вилояти Янгиер тикувчилик галантерея фабрикасининг тикувчи-мотористи

Умрзоқова Мавжуда — Сирдарё вилояти Гулистон фабрикаси тикувчилик цехининг бошлиғи

Ўринов Маъруфжон Набиевич — Олтинкўл халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бирлашмаси мебель цехининг дурадгори

Фарахутдинова Рашида Завхановна — Тошкент шаҳар «Октябрь 50 йиллиги» номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси

Филатов Виктор Андреевич — Тошкент шаҳар саноат комбинати пластмасса қуювчиси

Ҳакимова Ширин — «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчилар бригадасининг бошлиғи

Хўжаниёзов Алимбой — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичувчиси

Холиёров Равшан Холиёрович — Қашқадарё вилоятидаги Қамаши момиқ фабрикаси слесари

Шомуротов Шоёқуб Шоилёсович — «Узместстрой» трестининг Тошкентдаги кўчма механизациялашган колоннаси бўёқчиси

Йўлдошев Қаҳрамон — Тошкент мебель ва ёғочга ишлов бериш «Фа. риш бирлаш. довчиси

ҚУЙИДАГИ УР. ФАХРИЙ УНВО БЕРИЛСИН «ХИЗМАТ КЎРСАТ БИНОКОР»:

Қозоқҳонов Авазхон майддинович — вазирнинг ринчи ўринбосари

«ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»:

Аслонов Убайдулло — Самарқанд вилоят маҳаллий саноат бошқармасининг бошлиғи

Аҳмедов Шоназар — Хоразм вилоятидаги Хива бадиий-сопол буюмлар заводининг директори

Ашуров Қамбарали — Андижон вилоят Охунбобоев момиқ-ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари

Барагунов Израил Ҳамитович — вазирнинг биринчи ўринбосари — район-шаҳар саноат комбинатларини ривожлантириш бош бошқармасининг бошлиғи

Эшматов Ўскан Худойберганович — Тошкент вилоят Товоқсой рўзғор кимёси ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош диркетори

Қаҳҳоров Воҳиджон — Наманган вилоят Уйчи пиллакашлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

Қурбонов Бурхон — Қашқадарё вилоят Китоб халқ истеъмоли моллари фабрикасининг директори

Маъруфов Жаъфар — Мебель ремонт қилиш ва тайёрлаш ихтисослашган корхонаси цехининг бошлиғи

Маннопов Фазлилла — Маҳаллий саноат вазирлиги полиграфия ва ўраш конструкторлик бадиий бюросининг директори

Матниёзов Қолбой — Қорақалпоғистон республикаси Чимбой бинокорлик материаллари заводининг мастери

Мирзаёров Абдуваҳоб Ҳайитович — Фарғона вилоят Шўрсув кон-кимё ишлаб чиқариш бирлашмасининг машинисти

Мирзаев Мансур — Тошкент миллий мусиқа асбоблари экспериментал фабрикаси мусиқа асбоблари йиғувчиси

Парпибоева Нодира Каримшайхонна — Тошкент «Шарқ гули» бадиий ишлаб чиқариш бирлашмаси цехининг бошлиғи

Султонов Нурмат — «Октябрь 40 йиллиги» номли Бухоро зардўзлик буюмлари фабрикасининг каштачиси

Тўрақулов Ҳурсанд Позилович — Тошкент вилоят Олмалиқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

«ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИҚТИСОДЧИ»

Валиев Акмал Абдувалиевич — Тошкент вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосари, вилоят режа комиссиясининг раиси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
1991 йил 28 декабрь

Марғилон ипакчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг шойи тўқиш цехида Япониядаги «Мацузов» фирмаси томонидан тайёрланган учта янги автомат ишлай бошлади.

СУРАТДА: ишлаб чиқариш илғорлари Феруза Ҳожиматова (чапда) ва Ҳосиятхон Муллажонова.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

• Акс-садо

ОРЗУЛАР УШАЛДИ

«Касби — қадимий шаҳар». Муаллифлар — тарих фанлари доктори Обод Жўрақулов билан журналист Икром Отамуродларнинг мазкур сарлавҳали мақоласи рўзномамизнинг шу йил 27 ноябрь сонида босилган эди. Мақолада кўтарилган муаммо кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Катта-кичик йиғинларда муҳокама қилинди.

Ульянов районидаги Касби қишлоғининг ўзига хос тарихи бор. Бу ердаги қадимий қалъа қолдиқлари, қўрғонтепалар мутахассисларни қизиқтириб турибди. Узоқ ўтмишдан дарак берувчи бу далилий ашёларнинг мозийдан сўзлаши аниқ.

Касбига илк бор ташриф буюрган одамни ҳайратга соладиган нарса XI — XIV асрларда қурилган Султон Мирҳайдар ансамбли, минораю мачитлар, мақбаралардир. Ҳаётбахш об-ҳаёт манбаи бўлмиш Сардоба ёки уста ҳунармандлар ўлкаси эканидан гувоҳлик берувчи, ҳозир йўл бўйидаги хонадонларда ёнига чиройли теріб қўйилган кулолчилик буюмлари ҳам узоқ тарихни эслатади.

Республикамиз мустақил деб эълон қилингандан бери ҳар бир район, шаҳар, кўчалар ўз номи билан юритиладиган давр бошланди. Чунончи касбилиқларнинг узоқ йиллик орзулари ҳам ушалди. Ўттизинчи йилларда район номи Касби деб юритилганлиги ҳақида ҳам тарихий ҳужжатлар бор. Яқинда халқ депутатлари Ульянов район Кенгаши кўп сонли аҳолининг истакларини инобатга олиб, район номини Касби деб аташ таклифини киритди. Бўлиб ўтган район Кенгашининг X сессиясида халқ ноиблари район номини Касби деб аталишини бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Даврани кенг олинг, ишбилармонлар

КИМ ОШДИ САВДОСИ

Ҳаётимизга тобора кўпроқ янгиликлар кириб келмоқда. Биржа — янги нарса. У кундан-кунга ҳаётимизга сингиб бораяпти. Дарвоқе, ким эски тажрибалар билан иш кўраман деса, бугунги кунда қаттиқ янглишади. Биз янгича дунёга қадам қўяётганимизда ҳар қадамда ҳис этиб турибмиз. Мустақил Ўзбекистон Республикаси эндиликда жаҳонга йўл очмоқда. Иқтисодиётимиз танг бўлган шу кунларда биржалар тузилиши жаҳондаги илғор мамлакатларга чиқишимиз учун муҳим воситадир.

Биз фақат қорнимизни тўйдириш, устимизни бут қилишимизнигина ўйлаётганимиз йўқ. Биржалар орқали жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидан янги-янги технологиялар олишни мўлжалламоқдамиз. Бу эса эртанги кунимизнинг порлоқ бўлишида катта омил ҳисобланади.

Яқинда Ўзбекистон Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг «Ирригация» павильонида «Ўзбекистон» республика универсал агросаноат биржасининг илк кимошди савдоси бўлиб ўтди. Унинг очилишида сўзга чиққанлар юқоридаги фикрларни алоҳида таъкидлашди.

Хўш, «Ўзбекистон» биржасининг ўзи нима? Биржа акционерлар жамияти орасида Ўзбекистон Республикаси барча минтақаларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи ва қайта ишловчи юздан зиёд йирик корхоналари, агросаноат комплексининг турли тармоқлари вазирликлари ва идоралари, бирлашмалари ва концернлари, республика жамғармалар банки, жумҳурият агросаноат банки, авиация банки, деҳқонлар уюшмаси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академияси, Москва товар ва Беларусь агросаноат биржалари қўшма корхоналари бор.

Дастлабки кимошди савдосида 17 миллион сўм ликдан ортиқ савдо-сотиқ бўлди. Бундан ташқари 250 минг долларлик чет эл пулига савдо бўлди.

Брокерлик моҳиятини биржа Кенгашининг раиси Абдукарим Уркинбоев шундай шарҳлади:

— Давлат ва жамоа хўжаликлари битта брокерлик ўрни учун 50 минг сўм тўлайдилар. Агросаноат бирлашмалари таркибидаги ташкилотлар эса 200 минг сўм, булардан бошқа ташкилотлар эса 350 минг сўм тўлайдилар. Бу бошланғич баҳо, албатта.

— Брокерлик ўрнидан воз кечиш ҳам мумкинми?

— Истаган вақтида уни топшириши ва берган пулини қайтиб олиши мумкин. Аммо бор-йўғи шу пулнинг бир фоизигина биржа ҳисобида қолади.

И. АБДУҲАМИДОВ.

• Олтиариқ районидаги суғурта идораси ходимлари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ибратли ишларни амалга оширишмоқда.

БАРАКАСИНИ БЕРСИН

— Суғурта идорасида мени илиқ қабул қилишди, — дейди ўн фарзанднинг отаси Комилжон Холдоров. — Ҳужжатлаштириш ишларини амалга оширишда яхши мулозамат кўрсатишди. Давлатдан 10 минг сўм олишим мумкинлиги ҳақида илиқ хушхабарни билдиришди. Бу маблағни ногирон ўғлимнинг соғлиғи туфайли менга ёзиб ҳам беришди. Зеро мени бу ердаги муомаладан кўнглим сув ичди.

Ю. ЭМИНОВ.

2-бет Ўзбекистон ва жаҳон

...ИН ҚАЛБДАН

...ир радионинг аҳамияти, унинг энг ...вий ахборот воситаси эканлиги, барча ...давлат чегараларини бир дақиқада кес... ўтиб хабарларни тез етказиш ва одам...нинг ақл-заковатига таъсир қилиш қо...лияти ҳақида гапиришга ҳожат йўқ. Бу ...ниқса сўнгги вақтда, Ўзбекистон Респуб...ликаси ҳаётидаги кўп воқеалар ва ўзга...ришлар, унинг кўп миллатли аҳолиси жа...ҳондаги кўп мамлакатларда катта қизи...қиш уйғотаётган пайтда тасдиқланиб турибди. Тошкент радиосининг хорижидаги тингловчиларидан келаётган хатларнинг мутасил кўпайиб бораётганлиги шундан далолат беради.

ТОШКЕНТ ОВОЗИНИ ДУНЕ ТИНГЛАЙДИ

Ўзбекистон давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш комитетининг хорижий мамлакатларга радиоэшиттириш тақririятининг эшиттиришларини дунёдаги ҳамма қитъалардан инглиз, ҳинд, урду, араб, форс, дари, пушту, уйғур ва ўзбек тилларида тинглашади. Тошкент радиоси эшиттиришлари Яқин, Урта ва Узоқ Шарқ, Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида ҳар куни 13 соат давомида эшитилиб туради. Тошкент овозини Ғарбий Европа ва Америка мамлакатларида ҳам тинглашади.

Сўнгги ойларда келаётган хатлардан кўринib турибдики, радиотинглавчилар Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилгандан сўнг амалга ошираётган сиёсий тадбирларга алоҳида эътибор бермоқдалар. Айни шу тарихий воқеа кўплаб мактублар келишига сабаб бўлди. Уларда ўзбек халқи, республика раҳбарияти самимий муборакбод этилади, республиканинг тараққиёти истиқболлари ҳақида кўп саволлар берилади. Масалан, покистонлик тинглавчи Сардор Амазай бундай ёзади: «Тошкент радиоси эшиттиришларидан мустақил Ўзбекистон жумҳурияти ҳаётига доир кўп нарсаларни билиб оламан. Ҳаммангизни шу тарихий воқеа билан қутлайман. Халқингиз нақадар бахтли бўлди, деб умид қилишни истайман. Мен Ўзбекистонни жуда севаман, у ҳақдаги хилма-хил хабарларни Тошкент радиоси эшиттиришларидан билиб оламан».

ВАТАНДОШЛАР ҚУВОНЧИ

Хорижда яшовчи ватандошларимиздан ҳам худди шундай табриклар олдик. Американлик радиотинглавчи Ғиёсиддин Насифий Чикагодан йўллаган мактубида: Бутун оиламиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганини шод-хуррамлик билан кутиб олдик. Республиканинг бутун аҳолисини уларнинг ҳаётидаги тарихий воқеа билан табриклаймиз. Ўзбек халқи республика иқтисодиётини мустаҳкамлашга ва чинакам мустақил давлатни барпо этишга ишонамиз. Биз худога илтижо қилиб, ўз фарзандларини шу замининг муносиб кишилари қилиб тарбиялашда Ўзбекистондаги барча халқларига ёрдам беришни сўраймиз. Ўзбекистон Республикасига катта муваффақиятлар тилаймиз! деб таъкидлайди.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасидаги янги қадамлари жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Тошкент радиосининг Ҳиндистондаги тинглавчиси Ананд Мохан Баки Президент И. А. Каримовнинг шу йил август ойида Ҳиндистонга ташрифидан сўнг йўллаган мактубида бундай ёзади: «Мамлакатимизда Президент Каримовнинг кўрсатган ҳурсанд бўлдик. У бизда жуда яхши таассурот қолдирди. Унинг Ўзбекистонининг Ҳиндистон билан азалий анъанавий дўстлиги, ҳамкорлиги, ана шу ҳамкорлик истиқболлари тўғрисида самимий гапиргаплиги бизга жуда ёқди». Покистондан ҳам хатлар келиб турибди, шу мамлакат ҳукумати Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини таниди ва Президент И. А. Каримовни Покистонга ташриф буюришга расмий таклифнома юборди. Тошкент радиосининг тинглавчиси Зиёул Мустафо ўз мактубида қуйидагиларни таъкидлайди: «Эндиликда, Президент Каримовнинг ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон билан Покистон ўртасида тағин ҳам кенгроқ алоқалар ўрнатилган пайтда кўпгина покистонликларда Ўзбекистонни ўз кўзлари билан кўриш умиди пайдо бўлди».

Покистоннинг Равалпинди шаҳридаги яшовчи АБДУКАРИМХОН ҳам ўзбек халқини мустақиллик эълон қилинганлиги билан табриклаб, бундай ёзади: «Мен, дўстларим ва қариндош-уруғларим бу хабарни эшитиб, жуда хурсанд бўлдик. Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар тағин ҳам кенгайишига умид қиламиз. Яқинда Покистон газеталарида алоқаларимизни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар ҳақида ўқидим. Покистон ҳукумати икки томонлама иқтисодий, савдо алоқаларини кенгайтиришга, қўшма корхоналар фаолиятини ривожлантиришга, Тошкент—Карачи — Исломобод ҳаво йўлини очишга катта аҳамият бермоқда».

Хорижий радиостанцияларнинг жуда кўп эшиттиришлари республикамизга қизиқиш катталигидан далолат бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг яқинда Туркияга ташрифи чоғида бу яққол намоён бўлди. «Америка овози», «Озодлик» радиоси каби радиостанциялар расмий ташрифнинг қандай ўтаётганлигини кенг ёритдилар ва ташриф икки мустақил давлат — Ўзбекистон билан Туркиянинг давлатлараро муносабатларида янги саҳифа очганлигини таъкидладилар. «Туркия ўз биродари Ўзбекистонга, Бухорий, Термизий, Яссавий, Нақшбандий каби буюк мутафаккирлар ватанига ёрдам ва бирдамлик қўлини чўзмоқда». «Тили, маданияти яқин, дини бир бўлган қадимий Туркистон намояндаларини Туркия зўр қувонч билан кутиб олди», деб таъкидланди. Туркияда чиқадиган «Хургун» рўзномаси ўз мақоласида қуйидагиларни таъкидлади: Эркин бозор иқтисодиётини ривожлантириш хусусида Туркия тажрибасини ўрганиш истагини билдирган Ўзбекистон катта имкониятларга эга. У табиат ресурслари, ҳом ашёга жуда бой». Истанбулда чиқадиган «Туркия» рўзномаси эса «Ўзбекистон билан алоқалар» сарлавҳали мақоласида қуйидагиларни таъкидлайди: «Бошқа кўпгина мамлакатлар қатори Туркия ҳам Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганлигини шод — хуррамлик билан кутиб олди. Ўзбек дўстларимизнинг қадимий бой тарихи бор. Ўзбекистонинг фақат ўтмиши эмас, балки бадавлат ҳозирги даври ҳам бор, уни ажойиб келажак кутмоқда. Туркия Ўзбекистонни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, тўқимачилик саноати моллари, электр ускуналари билан таъминлашда унга ёрдам бериши мумкин. Туркия билан Ўзбекистон ўртасида истиқболли савдо алоқалари ўрнатиш учун икки томонлама ҳамкорлик қилишга кенг имкониятлар очиш зарур».

КАТТА ҚИЗИҚИШ

Тошкент радиоси номига у эшиттириш бермайдиган мамлакатлардан ҳам хатлар келмоқда, Ғарбий Европа мамлакатларидаги кўплаб тинглавчилар Ўзбекистон Республикасининг сиёсий ва иқтисодий ҳаётига катта қизиқиш билан қараб, шу муносабат билан Европа минтақасига мўлжаллаб радиоэшиттиришни ташкил этишни илтимос қилишмоқда. Масалан, Англиядан Эдвин Саутвек ўз хатида бундай ёзади: «Тошкент радиоси бошқа ҳеч қаердан топиб бўлмайдиган ахборотларни эшиттиради. Масалан, Москва радиоси эшиттиришларида ва рўзномаларида Урта Осиё республикалари ҳаёти ҳақида жуда кам хабар қилиниши маълум».

Германиядан Герд Ведемейер ҳам худди шундай фикрни билдиради: «Эшиттиришларингизни кўпдан буён тинглайман. Аммо ҳозир Ўзбекистондан эшиттирилаётган янгиликлар алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Республикангиз ҳаётидаги ўзгаришлар бир қанча саволларни келтириб чиқармоқда: Энди пахтачилик қандай ривожланади? Ўзбек диёрида яшовчи туб аҳолига мансуб бўлмаган миллатлар ва элатларнинг аҳволи нима бўлади?».

Японялик тинглавчи Тори Ино эса Тошкент радиоси Урта Осиёдаги миллий республикаларда юз бераётган воқеалар тўғрисидаги хабарларнинг муҳим манбаи эканлигини таъкидлайди. «Ўзбекистон халқларининг маънавий мероси, уларнинг анъаналари ва урф-одатлари, миллий санъатни ривожлантириш тўғрисидаги материаллар алоҳида қизиқиш уйғотмоқда».

Шундай қилиб хорижий мамлакатлардан республика радиоэшиттириши номига келаётган хатлар Ўзбекистонда юз бераётган сиёсий жараёнларга ва воқеаларга чет элларда қизиқиш кучайиб бораётганидан далолат бермоқда. Ўзини мустақил давлат, деб эълон қилган Ўзбекистон Республикаси қисқа даврда жаҳондаги бир қанча давлатлар томонидан тан олиниб, жаҳон сиёсатига дадил кириб бормоқда. Тошкентдан чет мамлакатларга республика радиоэшиттириши ишлари эса жаҳон майдонида республиканинг мустақил давлат сифатидаги обрўсини оширишга, унинг ташқи сиёсий йўлини, иқтисодиётни, ижтимоий соҳаларни, маданият ва маорифни бозор муносабатларига ўтишнинг янги шароитида ривожлантириш йўлларини кўрсатиб беришга хизмат қилади. Тошкентдан чет элга эшиттириш таҳririяти мустақил Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги кунини ва унинг тараққиёти истиқболларини бутун дунёдаги кўп сонли тинглавчиларига муносиб равишда тавсифлаб беришга ҳаракат қилмоқда.

Чет мамлакатларга республика радиоэшиттириши—УзТАГ.

1.

Гоҳ маҳзун, гоҳ шодмон бўлсангиз, юрак еру кўкка сиғмай борлиғини билдириб турган пайтда бир ҳамдард, ўзингизга сиғмаётган ўзлигингизни ўз дилига жо қилгувчи дўст излайсиз. Унинг ҳамрозлигидан дардингиз енгиллашади, баҳра оласиз, сезгир қалбнинг кўзгусида кимлигингизни кўрасиз. Бир фикр қиласиз, бир шукур қиласиз.

Ўша дасти узун, сўзлари жон томирингизга қуйилгувчи, сизнинг ҳолатингизни ўзингиздан-да ўтказиб англатувчи дўстларнинг бири — Заҳирид дин Муҳаммад Бобур! Унинг руҳи шундай кучлики, орадаги узун йилларни, узун йўлларни писанд қилмайди. Олис кечангиздан туриб, бугунги дил ўртанишларингизгача шерик бўлаверади... Дўст билан одоб уйинг деган сўзнинг маъзини чаққандай бўласиз. Қўлингизга Бобур девонини оласиз, ул дўстга дил ёриб бўзлайсиз:

— Шундоқ... шундоқ...

Сўнг шоир Бобур сўзлайдилар:

Узин кўнгул айш ичра тутмоқ керак,
Бизин унутқанин унутмоқ керак.

Шоирга яна куйиб пишасиз: унингсиз кўнгул қандай қилиб айш қилсин?! Ахир роҳатнинг ҳар бир илдизи у туфайли тортган азоблардан униб чиқмайдими? Айшнинг кўзни яшнатиб, дилни аллаловчи ҳар бир гули ниҳоли унинг ҳажри тиғлари билан чопиқ қилиниб, кўзимнинг ёшлари билан суғориладику! Шоирим, нечук шунча қийин талаб устига ундан-да оғирроғини юклаб, менинг ям ўзингизнинг сафингизга, ҳимоянгизга олиб, тайинлайсиз: «Бизни унутқанни унутмоқ керак...» деб. Ҳамма гап шундада, ахир. Унутолмаслик дарди қон юттиргач, Сизга топинган эдимку дейсиз. Унутиш дарсини ўтинг мен нўноқ жабрдийдага деб ёлворасиз, бу дард билан ўзи-да оғриган буюк табибга. Қандай унутиб бўлади, ул кунларни. Соч толаларига қадар, олар нафасига қадар улуғланаверib, бошн кўкка етган ул сиймони қандай унутиб бўлади... Боши кўкка етган... Шул жойда суриниб кетасиз. Пешонангиз тақ этиб, қайғу тутунининг пештоқларига урилиб, кўзингиздан олов чиқиб кетади. Юракнинг энг чеккасига бекиниб ётган ғурур беҳолгина уйғонади. Шоҳ Бобурнинг таъкидига қўшилиб кетасиз: «у-н-у-т-м-о-қ к-е-р-а-к!» Алам тегирмонининг тоши остида эзилаётган дилингизга Бобур ёрдам қўлини узатди, ғурур остонасидан туриб. Энтикиб навбатдаги сатрлар сеҳрига ихтиёрни берасиз:

Айшу тараб гулбуниға сув бериб,
Ғусса ниҳолини қурутмоқ керак.

О, айшу тараб шодлик гулбунига дўстлари даврасида ўйнаб-кулиб кетаётган, қувончларга ғарқ одамдан бир ҳовуч шодлик сўраса бўлар балки. Бир беғарво, бир лоқайдга иши тушиб, дилининг коми қуриб, ёлғизлик саҳросида ташналик азобини тортиб, дилининг оҳлари лабларигача қақратиб, ёриб юборган одамнинг оғзига умид томчиларини томизмоқ ўрнига, ундан сув сўрамак? Бунча қаҳрингиз қаттиқ шоирим, бунча...

Ахир парча-парча бўлган юракни оёқ остидан йиғиштириб олмоқ учун, яна қайтиб қад тикламоқ учун куч борми? Дил поралангунга қадар чекилган азоблар, интизор кунлар қайтадан азоб юклаб қайтадан бу танни қил кўприкдан, дўзах ўтидан ўтказмоғи, аросат ўлкасида муаллақликка дучор қилмоғи изтироблариға чидаб бўлармикин?!

2.

Зарралаб сочилган кўнгулни қум доналари каби, ундан ҳам майда шиша синиқларини йиққан каби йиғиб олмоқ заҳматларига ўзни чоғлаш, шул шайлик аро сочмоқ завқию йиғмоқ қийноқлари орасидаги еру осмонча фарқни англашга, курашмоққа чорламаяптими, Бобур?! Ёғолиб бўлмоқ, ё бепарво оёқлари остида тупроқ бўлмоқдан ўзга йўл йўқми-а? Айтайлик, тупроқ бўлдик ҳам... Зеро бул тупроққа унинг юзларидан ёғду сочилмаса, кўзларидан оби ҳаёт тўкилмаса, бирор кун умид майсалари униб чиқмаса, хор бўлмоқдан ўзга хизматга ярамаса, тупроқлик қисматидан на ҳожат бор? Ундан кўра бошни бепарво кўнгилнинг истакларидан дордан қутилмоқ каби қутулмоқ, маломат балчиғини тарк этмоқ каби тарк этмоқ яхши эмасми?! Шунда шоирнинг қаттиқ қаҳри сизни хорлик балосидан қутқаргувчи нажот кўприги эканини англаб қоласиз. Бу кўприкка қадам қўя олсангиз, айшу тараб гулбуниға сув топа олсангиз, навбатдаги талаб-ғусса ниҳо-

ҚАЛБ НИДОЛАРИ

ДЎСТГА ДИЛ ЁРИБ

БОБУР БИЛАН ДИЛЛАШГАНДА

лини қурутмоқ — ўз-ўзидан бажарилади. Кўзингизнинг ёшлари билан суғормасангиз, кўнглингизни ғам билан қайта-қайта шудгорлаб, яраламасангиз, ғусса ниҳоли ўз-ўзидан хазонрезликка учрайди. Ўзингизни озгина ўнглаб, умидвор кўзларингизни яна сатрларга тикасиз. Ҳолатингизни сезиб турган шоир Сизни яна юксакроққа чорлайди:

Ҳар нимага ғам ема, ғам кўп турур,
Айш била ўзни овутмоқ керак.

«Ҳар нима» шунчаки ҳар нима эмаслигини Бобур яхши билади. Илдизлари юракнинг томирлари бирла чийралиб кетган боғланишни узмоқ, куну тунимизнинг шоҳию қули бўлган кимсадан кўнгулни совутмоқ учун қанча жасорат керак бўлса шунча чорлайди шоир... Дунёнинг ғами кўп ахир.

3.

«Бизни унутқон»нинг ғамини чекиб юраверib, ўзга жамики мавжудликка қўл силкисак, уят бўлар... Танимиз яралган тупроқ, томиримиз яралган сувдан тортиб, яшаган кулбамиз, дўсту танишларимиз, қиблагоҳларимиз — падари бузрукворимиз, волидаи муҳтарамамизга қадар — барча-барчасидан меҳрга қарздормиз. Бизни асраб турган буюк мутаносибликка озгина путур етса ҳалокатга учраймиз. Мавжудлигимиз боисига шукроналикнинг ўзи, уларга ўзни бағишлаш саодати бахтимиз эмасми?! Нега бизга осмондан тушгувчи, бизни менсимовчи ёт бир ниғоҳ учун ғам еймиз? Зеро бизнингки бир хазон баргча қадримиз бўлмагач, ул ниғоҳ ҳам биз учун «ҳар нима»га айланиши шарт. Кўнгли таланган, масхараланган ҳолда элга ошкор бўлмаслик учун ҳам шарт!

Қўшни хонадан чақалоқ йиғиси эшитилди. Ғолиб ҳаётнинг мангу давомчиси овозидан, ҳали ғуссаларининг хабари йўқ покизаликнинг овозидан ҳайратга тушинг!

Ҳовучларингизни булоқ сувидан тўлдириб симиринг. У сизга аталган, сизнинг насибангиз. Она табиатнинг Сизга ва миллионларга етадиган меҳридан инъом бу!

Оёқларингиз юриб турибди. Ишғол қилинмаган чўққилар чорлаяпти. Кўзларингиз кўрмоққа, қўлларингиз тутмоққа қодир. Муҳими қувончларнинг ҳам, қайғуларнинг ҳам қадрини биладиган, бировларникига ўхшаб лоқайд бўлмаган қалбингиз бор! Изтироблар сиққан юракка шодликлар ёлқинини ҳам меҳмон қилинг. Сиз кучлисиз... курашмоқни биласиз...

Гоҳ ҳазин куйлар сизни «Бизни унутқан»нинг даргоҳига етаклаб кетар дамлардан сақланинг. Гоҳ бедор тунлар кўз олдингизга бир сиймони михлаб қўйса, уни қибла тараф деворларига осмоқдан қўрқинг! Шу кунларда бардошингизга, сабрингизга ялининг! Ожизлигингизга кўзингиз етса, яна Бобур шоҳга арзға боринг. Ул арзхонада шоҳ Бобур кутиб олгани билан юрак дардларингизни шоир Бобур эшитади. Ёлғизлик юкини кўтара олмасангиз, ғуссанинг чангали дилингизга тирноқ ботирса, шул даргоҳга югуринг. Бул даргоҳда сизни қатларидан олов тўкилган қон томган, кўз ёши силқкан сўзлар оби ҳаёт томчисидек ташна дилингизга томчилаб овутади.

Эҳтимол бу даргоҳ остонасидан нажот излаб югурган дамларингизгача ўтган куюк лаҳзаларингиз оловидан бир оловхўр қуш роҳатланар... Лахча чўққа айланган юрагингиз гулханларидан ҳаёт топиб авжланар... Узининг шул ўт туфайли бунёд эканидан бехабардир... Шунда яна ва яна фидо бўлмоқдан, унинг оёқларига йиқилмоқдан, хўрланган дилингни шоҳ Бобурнинг забардаст илкию шоир Бобурнинг нозик қалби қутқариб қолади.

Сиз ўқиётган ғазалнинг ярмики сизни ҳалокатдан асрай олдими, энди қолгани равон ўқилади. Ўқиган сайин қаддингизни тиклаб олмоғингизга ишончим комил! Энди сиз ҳайиқмай, титрамай, йиғламай, йиқилмай қатъий ва охиста шивирлай олиш имконига эгасиз. Ана, Бобур дилининг дарёсидан сув ичган лабларингиз пичирлай бошлади: Б-и-з-н-и у-н-у-т-қ-а-н-и-и у-н-у-т-м-о-қ к-е-р-а-к... Оҳ!!

Хосият БОБОМУРОДОВА,
шоира. Самарқанд.

РЎЗНОМАНИНГ КЕЧАГИ СОНИ

Шиддатли даврда янги-янги вазифалар, кутилмаган воқеа ва ҳодисалар бўлмоқда. 1925 йилнинг 8 февралидан чоп этила бошлаган «Ёш ленинчи» рўзномаси билан ҳам хайрлашишга тўғри келди. Кеча рўзноманинг хайрлашув сони муштарийлар қўлига тегди.

1992 йилдан бошлаб ёшларнинг ижтимоий-сиёсий рўзномаси — «Туркистон» номи билан чоп этила бошлайди. «Туркистон»дек улуғ номга муносиб бўлиш, уни эъзозлаш ва шарафлаш ҳар бир йигит-қизнинг бурчидир. Шу нуқтаи назардан қараганда хайрлашув сонида бош муҳаррир Жаббор Раззоқовнинг «Асрга татигулик

«ЁШ ЛЕНИНЧИ»— «ТУРКИСТОН»

кунлар» мақоласи, Мирза Кенжабекнинг «Хайрли салом» шеъри диққатга сазовордир.

Рўзноманинг қўш саҳифасида юракларда қолган битиклар, дил сўзлари, ютуқ ва муаммолар, келажак режалари билан танишасиз. «Оқ фотиҳа» сарлавҳаси остидаги бир пиёла чой устидаги мулоқотда рўзноманинг собиқ ходимлари — фахрийлар, ёзувчилар, журналистлар ва бошқа касб эгалари иштирок этдилар. Улар рўзномада кечган фаолиятлари, ижодий ҳамкорлик ҳақида тўлқинланиб сўзладилар, «Туркистон» номи билан чоп этиладиган рўзнома ходимларининг ижодий фаолиятига парвоз тиладилар.

Рўзноманинг саҳифаларида қизиқарли мақолалар ва мулоҳазалар ҳам ўрин олган. Шу билан бирга «Ёш ленинчи»да ишлаган ходимларнинг рўйхати ҳам берилган.

«ПАХТАКОР» МАЙДОНДА

Севимли «Пахтакор» жамоаси янги мавсумга шайланишин бошлаб юборди. Футболчиларимиз ўтган йилги чемпионат якунланганидан кейин бир ой дам олишди. Кейин 19—20 декабрь кунлари яна йиғилишиб, янги йил, янги режалар ҳақида ўйлашга киришдилар. Йигитлар шифокорлар кўригидан ўтказилди. Сўнг мутахассисларнинг таклифи бўйича бир ҳафталик дастурга кўра ўқув машқ жараёнларида иштирок этдилар.

— Футболчиларимизнинг кайфиятлари чоғ, руҳлари тетик, — дейди «Пахтакор» жамоаси бошлиғи А. Толибжонов. — Пахтакорчиларни анъанага кўра хорижга қиладиган сафарларидан қолдириб, турли дам олиш уйлари ва оромгоҳларга йўллаганимиз ўз самарасини берди. Ўйинчилар узоқ давом этгувчи мавсумдан кейин яхши дам олиб қайтишгани кўринib турибди. Бу нарса жамоани тенг иккига бўлиб, ўзаро икки томонлама ўйин ўтказилганда кўзга ташланди. Мухлисларга шуни маълум қилиш керакки, жамоамизнинг ўйинчилари таркиби деярли ўзгаришсиз қолди. Айтмоқчиманки, «Пахтакор»ни ҳеч ким тарк этмади. Аксинча республика футбол жамоаларидан чақирилган бир қанча истеъдодли ўйинчиларни кўздан кечирмоқдамиз. Улардан баъзиларини жамоага қабул қилиш ниятимиз бор.

ФУТБОЛ

Маълумки, собиқ СССР-нинг мустақил давлатларга бўлиниб кетиши оқибатида мухлисларни мамлакат чемпионати қай йўсинда ўтказиларкин, деган ташвиш босмоқда. Яқинда собиқ СССР футбол федерациясининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Унда федерациянинг номини Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги футбол уюшмаси, деб аташга қарор қилинди. Олий лига жамоалари эса 22 жамоадан иборат бўлиб, кўпроқ биринчи лигачилар ҳисобига тўлдирилиши мўлжалланмоқда. Умуман, чемпионатнинг, қолаверса футбол мавсумининг қай тартибда ташкил этилиши 11 январь куни ўтказиладиган мазкур уюшманинг навбатдаги йиғилишида ҳал этилади...

Ҳар қалай, мустақил республикаларнинг футбол жамоалари биринчилик учун курашда зўр ғайрат кўрсатишлари кутилмоқда. Пахтакорчилар эса янги йилнинг учинчи кунидан бошлаб машқларга астойдил киришадилар. Мутахассислар футболчиларнинг умумжисмоний, тўп билан ва ўзаро ўйинлардаги машқларига кўпроқ эътибор беришмоқда. «Пахтакор» жамоасининг устозлари таркиби ҳам аслича қолди. Фақат армиячи Александр Тарханов маслаҳатчи устозлик вазифасини ўтайдиган бўлди.

Бундан буён «Пахтакор» жамоаси моддий жиҳатдан муаммоларини ўзи ҳал қиладиган йўлни тутади. Энди «Пахтакор» акционерлик жамияти жамоани молиявий жиҳатдан таъминлайверади. Йирик корхоналарни ўз ичига олувчи бу жамият пахтакорчиларга иқтисодий мададкор бўлиши кутилмоқда. Футболчиларимиз эса ҳар йилдагидек мухлисларни ҳаяжонга солмай, фақат мавқеини мустаҳкамлаш ҳақидагина қайғурмай, юқори ўринлардан бирига даъвогарлик қилишни кўзламоқда.

М. АНВАРОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ

ИЗОҲНИНГ ҲОЖАТИ ЙЎҚ.

И. АЗИМОВ чизган расмлар.

ХУШХАБАРЛАР

● НОРИН. Райондаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида эллик мой цехи ишга туширилди. Шунингдек, ширин сувлар тайёрлаш кичик корхонасида бир кеча-кундузда 3 минг шиша шарбатли ичимлик тайёрланмоқда.

О. МУСАЕВ.

● ФАРҒОНА. Олтиариқ районидаги Қизилтепа қишлоғида 620 ўқувчига мўлжалланган мактабда машғулотлар бошлаб юборилди.

Т. УМАРОВ.

● ХОРАЗМ. Хазорасп районидаги Карвак қишлоғида 500 кишига мўлжалланган Олтиалам бобо масжиди қуриб битказилди.

Т. ОЛЛОҚУЛИЕВ.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

15/I да — ДУНЕНИНГ ЯРАТИЛИШИ.
16/I да — СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.
17/I да — СЕВГИ ҲАҚИДА АФСОНА.
19/I да — ЧИППОЛИНО (12.00), БАЛ-МАСКАРАД (19.00 премьера).
23/I да — ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН.
24/I да — ШОИРОНА ЛАВҲАЛАР.
25/I да — ИОЛАНТА.
26/I да — МАЛИКАИ АЙЕР. (12.00), ОҚҚУШ КУЛИ (19.00).
28/I да — ФИГАРОНИНГ ТУЙИ.
29/I да — БОҒЧАСАРОЙ ФАВВОРАСИ.
30/I да — ТОҲИР ВА ЗУҲРА.
31/I да — УЙҚУДАГИ ГЎЗАЛ.

Касса эрталаб 10.00 дан бошлаб ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-90-81, 33-33-22.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

Буюртма № 11.
Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6481
№ 253.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди—22.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.